
КУАЛА-ЛУМПУРДА БЎЛИБ ЎТГАН “ЎЗБЕКИСТОН-МАЛАЙЗИЯ” БИЗНЕС-ФОРУМИДА ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ВА МАЛАЙЗИЯ КОМПАНИЯЛАРИ ЎРТАСИДА УМУМИЙ ҚИЙМАТИ 35 МЛН. ДОЛЛАР БЎЛГАН ИНВЕСТИЦИОН КЕЛИШУВЛАР ҲАМДА ЭКСПОРТ ШАРТНОМАСИ ИМЗОЛАНДИ

Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида кеча бўлиб ўтган “Ўзбекистон-Малайзия” бизнес-форуми доирасида ўтказилган музокаралар натижасида Фарғона вилояти ва Малайзия компаниялари ўртасида умумий қиймати 35 млн. доллар бўлган инвестицион келишувлар ҳамда экспорт шартномаси имзоланди. Вилоятимиз номидан ҳужжатларни форумда иштирок этган вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ҳабиб Сирожитдинов имзолади.

Логистика ҳамда экспорт-импорт фаолияти билан шуғулланувчи “Buckjump Capital Co.Ltd” компанияси билан вилоятимизда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича 5 млн. долларлик шартнома, Фарғонада заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш бўйича 10 млн. долларлик инвестицион келишув имзоланган бўлса, “Clipper Energy SDN BHD” компанияси билан электромобиллар ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш ҳисобига вилоятимизга 20 млн. доллар миқдорида тўғридан тўғри инвестиция киритиш юзасидан келишув расмийлаштирилди.

Шунингдек, “Buckjump Capital Co. Ltd” компанияси билан Логистика хизматлари, халқаро савдоларни амалга ошириш, вилоятимиз ҳудудида маҳсулотларни сақлаш омборларини ташкил этиш бўйича Меморандум имзоланди.

“China Energy Engineering Group Guangxi Electric Power Design Institute Co.Ltd” компанияси билан 500 MW қувватли қуёш фотоэлектр станцияси ҳамда 150 MW қувватли мини-ГЭС қуриш юзасидан Меморандум имзоланди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-02-29 09:41:50